

---

## Расмий баёнот

Бугун ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ комплексида “Эркак киши туғуруқхонадан ҳамширани сочидан тортиб судраб чиқди” сарлавҳаси билан видео тарқалди.

Мазкур ҳолат юзасидан туғруқхонада ўрнатилган “Ташвиш” сигнали орқали туман ички ишлар бўлимига хабар берилган. Айти вақтда ҳолат юзасидан ички ишлар органлари томонидан терговга қадар текширув ишлари олиб борилмоқда.

Текширув якунлари ҳақида тегишли тартибда ички ишлар органлари томонидан батафсил маълумот тақдим этилади.

2021-08-27 18:22:07